

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 37;377;377(077);
377.1:687.1

ТЎХТАЕВА Зебо Шарифовна

**КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИДА ФАНЛАРАРО УЗВИЙЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ МЕТОДИКАСИ
(“Тикувчилик ишлаб чиқариши” йўналиши мисолида)**

13.00.08 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2012

Иш Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институтида бажарилган.

Илмий раҳбар педагогика фанлари доктори, профессор
Олимов Қаҳрамон Танзилович

Расмий оппонентлар: педагогика фанлари доктори, профессор
Рашидов Ҳикматулла Фатхуллаевич

педагогика фанлари номзоди, доцент
Дехканова Маъмура Ўлмасовна

Етакчи ташкилот **Наманган муҳандислик-техника институти**

Ҳимоя Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги К.067.18.01 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил “_____” _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100070, Тошкент ш., Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103 уй.

Тел.: 254-92-02; факс: 215-54-18, e-mail: tgpu-info@edu.uz.

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил “_____” _____ да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, педагогика
фанлари номзоди, доцент

Р.Г.Муллахметов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда иқтисодиёт, фан, техника ва технологиялар ривожланиши ҳамда ютуқлари асосида юқори малакали, мустақил қарор қабул қила оладиган, эркин фикрлайдиган кадрларни тайёрлаш борасида юксак аҳамиятга эга бўлган ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида “Жамият ҳаётида шундай даврлар бўладики, ўз умрини яшаб бўлган эски тизим қонун-қоидаларини янгича асосда ўзгартириш, барча соҳаларда кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш зарурати энг муҳим эҳтиёж, керак бўлса, ҳаёт-мамот масаласи сифатида кун тартибига чиқади”, – деган фикрлари айни ҳақиқатдир¹.

Республикаимизнинг педагоглари ва амалиётчилари томонидан замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига жорий этиш, меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни қўллаш билан бир қаторда таълим турлари орасида фанлар узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш долзарб вазифалардан этиб белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 9 августдаги 07-6-41-сонли мажлис баёни билан Республикада узлуксиз таълимни ривожлантириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилган бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири қилиб “таълим тизимининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш” белгиланган.

Касб-ҳунар таълимида умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанларнинг узвийлигини таъминлаш орқали ўқувчиларнинг фанларни самарали ўзлаштиришига эришиш мумкин. Шунингдек, бугунги кунда замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий қилиш билан бирга узвийлашган фан дастурлари асосида ўқитиш - ўқув мақсадларига кафолатли эришишни таъминлайди.

Биз томондан ўтказилган дастлабки изланишлар шуни кўрсатдики, узвийлашган фан дастурлари асосида ўқитиш ўқувчиларнинг билим олиш имкониятларини оширишда, уларнинг мустақил ишлаш қобилиятларини ва амалий кўникмаларини ўрганиш даражаларини ривожлантиришда ижобий самара беради. Шунингдек, ўқув адабиётлари узвийлигини таъминлаш ҳам долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, қайд этилган муаммолар ва вазифалар танланган мавзунинг долзарблигини аниқлади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Диссертациянинг назарий ғояларини ишлаб чиқишда бир қатор мутахассис олимлар, педагоглари, методистларнинг, жумладан, касб-ҳунар таълими назарияси ва амалиёти бўйича Ҳ.Ф.Рашидов, ўқув адабиётларини яратиш назарияси бўйича

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т. Маънавият, 2008. – 102-б.

Б.М.Мирзахмедов, Қ.Т.Олимов, замонавий ўқитиш технологиялари назарияси ҳамда амалиёти бўйича М.И.Махмутов, М.Тожиев, Г.К.Селевко, Ў.Толипов, Б.Зиёмуҳаммадов, касб-хунар таълимида ўқув-услубий таъминот муаммолари бўйича А.Р.Ходжабоевнинг фундаментал тадқиқотлари ўрганилди. Таълимда фанлараро узвийлик масалаларини ҳал этишга қаратилган илмий тадқиқот ишларидан А.Р.Ходжабаев, Б.С.Абдуллаева, А.А.Абдурахмонов, И.Т.Алиев, Н.Алимов, М.Жўраев, О.Мусурманов, М.Р.Рахматиллаев, С.Т.Алиқулов, Р.Боқиев, А.Н.Закиров, И.А.Зойиров, М.У.Баротов, Ш.Наримов, Г.Клековкин, В.В.Мачулис, Г.Т.Солдатова, Ю.А.Кустов, И.В.Антоноваларнинг илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинди.

Тадқиқот ишларини ўрганиш таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, касб-хунар таълимида фанлар узвийлигини таъминлаш бўйича бугунги кун даражасида ва талабларига мос илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Шунингдек, олий ва касб-хунар таълими тизимида махсус фанлардан фан дастурлари ва адабиётлар узвийлигини таъминлашнинг илмий методик жиҳатлари ўрганилмаган.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш жараёнида таълим тизими ва юқори малакали кадрлар тайёрлашни ислоҳ қилиш, ривожлантириш муаммолари” Давлат миллий дастурининг таркибий қисми ҳисобланиб, ИТД 4-073 “Олий ва касб-хунар таълими тизимида махсус фанлар бўйича ўқув адабиётлар замонавий авлодини яратиш, амалда жорий этиш ҳамда экспертизадан ўтказиш методикаси” Давлат гранти ҳамда Европа Иттифоқи кўмагидаги “Ўзбекистонда ўқитиш ва таълим соҳасида ижтимоий ҳамкорлик” лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади: касб-хунар таълимида “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанидан фанлараро узвийликни таъминлаш методикасини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

1. Таълимда узвийликни амалга ошириш муаммоларини назарий жиҳатдан ўрганиш.
2. Касб-хунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш имкониятларини аниқлаш ва илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.
3. Касб-хунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш тамойилларини ўрганиш.
4. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш, “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанидан узвийлашган фан дастурини ишлаб чиқиш.
5. Узвийлашган фан дастури асосида “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси ” махсус фанини ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш.
6. Узвийлашган фан дастурлари асосида “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” фанини ўқитиш жараёнини ташкил этиш, назорат қилиш ва педагогик самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқот объекти: касб-ҳунар коллежларида узвийлашган фан дастурлари асосида “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанини ўқитиш жараёни.

Тадқиқот предмети: касб-ҳунар таълимида “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанидан фанлараро узвийликни таъминлаш мазмуни ва методикаси.

Тадқиқот методлари: илмий тадқиқот, илмий–педагогик адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлар таҳлили, ўқув жараёнини кузатиш, суҳбат, сўровнома, тестлар ўтказиш, рейтинг, мониторинг, педагогик тажриба-синов натижалари математик-статистик таҳлили, тадқиқот натижаларини умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий фарази: агар касб-ҳунар таълимида фанлар узвийлигини таъминлашнинг имкониятлари аниқланиб, такомиллаштирилган ўқув режалар ишлаб чиқилганда ва таълим жараёнига татбиқ этилганда; узвийлашган фан дастурлари яратилганда ва улар асосида ўқитиш методикаси ишлаб чиқилиб амалда қўлланилганда; узвийлашган фан дастурлари асосида умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишда ўқувчилар билимини баҳолашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилганда; махсус фанлардан замонавий таълим талабларига мос узвийлиги таъминланган ўқув-услугий адабиётлар яратилганда ва таълим жараёнига жорий этилганда кичик мутахассислар тайёрлаш сифати ва самарадорлиги ошади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- Касб-ҳунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлашнинг бугунги кундаги аҳамияти ва имкониятлари.
- Касб-ҳунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш модели.
- Умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанлараро узвийликни таъминлаш тамойиллари.
- Ўқув режасини такомиллаштириш ва узвийлиги таъминланган фан дастурини ишлаб чиқиш бўйича илмий методик тавсиялар.
- Узвийлиги таъминланган фан дастури асосида “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанидан назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги қонунлари, И.А.Каримовнинг таълим тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим ва асосий йўналишлари белгилаб берилган асарлари, “Давлат таълим стандартлари”, “Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси”, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш тўғрисидаги Низомлар ва меъёрий ҳужжатлар, педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқишга ва ўқув жараёнига татбиқ этишга қаратилган тадқиқотлар, замонавий ўқитиш методикалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва назарий аҳамияти:

- касб-ҳунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш имкониятлари аниқланди;

- касб-хунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш тамойиллари таҳлил қилиниб, илмий - методик тавсиялар берилди;
- фанлараро узвийликни таъминлаган ҳолда ўқув режа ва фан дастури такомиллаштирилиб, “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанидан узвийлиги таъминланган фан дастури ишлаб чиқилди;
- узвийлиги таъминланган фан дастури асосида “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанини ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди;
- “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” фанидан узвийлашган фан дастури асосида ўқитиш бўйича дарс ишланмалари ишлаб чиқилиб, таълим жараёнига татбиқ этилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. Касб-хунар таълими жараёнини такомиллаштириш ва фанлар узвийлигини таъминлашга доир илмий услубий тавсиялар, махсус фанлардан узвийлашган фан дастурлари ишлаб чиқилди ҳамда амалда жорий этилди, касб-хунар коллежлари учун “Стандартлаш асослари, метрология ва маҳсулот сифати” ўқув қўлланмаси, “Енгил саноат технологик жиҳозлари” электрон ўқув қўлланмаси, “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” фанидан услубий қўлланма, олий таълим муассасалари касб таълими йўналишлари учун ҳаммуаллифликда “Дидактик воситалар мажмуаси” ўқув қўлланмаси яратилиб, таълим жараёнига татбиқ қилинди, “Тикувчилик ишлаб чиқариши” мутахассислиги бўйича махсус фанлардан назарий ва амалий дарс ишланмалари, узвийлашган мавзулар учун топшириқлар ва саволлар мажмуаси ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга жорий этилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертациядаги назарий ғоялар касб-хунар коллежларида махсус фанларни ўқитишда, касб таълими бўйича бакалавриятни битирувчи талабаларнинг 5 та битирув малакавий ишларида татбиқ этилди. Касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва ўқитувчилари учун махсус фанлар бўйича замонавий таълим талабларига мос ўқув ҳамда методик қўлланмалар, электрон ўқув қўлланма яратилди ва таълим жараёнига татбиқ этилди.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқотнинг назарий ва амалий жиҳатлари Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти, республиканинг бошқа олий таълим муассасалари ва Халқаро миқёсдаги назарий, илмий-амалий конференциялар материалларида мунтазам оммалаштирилиб борилди. Тадқиқотнинг асосий мазмуни, ғоялари ва натижалари “Узлуксиз таълим”, “Педагогик таълим”, “Касб-хунар таълими”, “Профессиональное образование” журналларида чоп этилган илмий мақолалар ёрдамида педагогик жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг асосий натижалари муаллиф томонидан чоп этилган 2 та ўқув қўлланма, электрон ўқув қўлланма, 5 та услубий қўлланма, илмий-услубий журналлардаги 8 та мақола, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлар тўпламларидаги 20 дан ортиқ мақола ва тезисларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, 3 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 177 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси асосланган, тадқиқот объекти ҳамда предметига мос келувчи мақсад ва вазифалар белгиланган, тадқиқотнинг фарази, методологик асоси, методлари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар ўз аксини топган.

1-боб **“Касб-ҳунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш муаммолари ва имкониятлари”** деб номланиб, таълимда узвийликни амалга оширишнинг назарий асослари, таълим узвийлигига оид адабиётлар, диссертациялар таҳлили, фанлараро узвийликни таъминлашнинг педагогик, психологик ва фалсафий жиҳатлари ҳамда ҳозирги кундаги аҳволи, узвийликни амалга оширишнинг ўқитиш самарадорлигига таъсири ҳақида фикр юритилган. Узлуксиз таълим тизимининг энг муҳим жиҳатларидан бири унинг босқичлари ўртасидаги, фанлараро узвийлик ва узлуксизликни таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири сифатида эътироф этилган. Бевосита шу тамойилга боғлаб олиб борилаётган педагогик тадқиқотларда «изчиллик», «узвийлик» каби тушунчалар ишлатилиб, улар турлича талқин қилинмоқда.

Бугунги кунда олиб борилаётган илмий изланишлар ва тадқиқотларда, педагогик адабиётларда «узвийлик»нинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида турлича фикрлар билдирилган. Бизнинг фикримизча, узвийлик – бу таълим турлари орасида, фанлараро ва мавзулараро ўзаро боғлиқлик ҳамда муносабатларни тўғри ўрнатилишини таъминлашдан иборатдир.

Узвийлик тушунчаси таълимнинг узлуксизлиги тушунчаси билан узвий боғланган бўлиб, ўқувчи шахси ривожланишининг асоси сифатида умумий ўрта таълимнинг ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим, малака ошириш ёки қайта тайёрлаш билан табиий ўзаро алоқаси натижасида пайдо бўлади. Демак, таълимнинг узлуксизлиги узвийлик билан таълимнинг таркибий қисмида таъминланади. Ўқитиш жараёнида узвийликни таъминлаш эса педагогик жараённинг яхлитлигини таъминлашнинг зарурий шarti бўлиб ҳисобланади.

Касб-ҳунар таълимида узвийликни таъминлаш имкониятлари таҳлилида касб-ҳунар таълимида узвийлик ва фанлараро алоқадорликни таъминлаш бўйича бир катор фикрлар айтилган. Асосий муаммолардан бири, касб-ҳунар таълимида фаолият турлари ва фанлар орасидаги узвийлик тўлиқ таъминланиши орқали, ўқувчиларда касбий билим ва кўникмаларни Давлат ҳамда тармоқ таълим стандартлари талаблари даражасида тўлиқ ўзлаштиришнинг илмий асосланган тизимини яратишдан иборат. Демак,

таълимда узвийлик ва узлуксизлик муаммосини тўла ҳал этиш учун нафақат фанлараро, алоқадор таълим босқичлари ва курслараро узвийлик ва узлуксизликка эътибор бериш, фан ва ишлаб чиқариш орасидаги интеграцияни ўрнатиш, ўқитишнинг шакл ва методларида ҳам узвийликни таъминлаш муҳимдир. Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, узвийлик кўп қиррали бўлиб, таълим ва тарбия жараёнини тадқиқот қилиш ва бошқаришни таъминлайди ҳамда фаннинг мақсадини рўёбга чиқаришга имконият яратади.

Касб-ҳунар таълимида узвийликни таъминлашнинг имкониятларидан бири фан дастурларини тузишда босқичли кетма-кетлилик, яъни изчиллик тамойилига амал қилишдан иборат. Унда амалда қўлланилган ўқув режа ва фан дастурларида берилган таълим мазмуни ва шакли эътиборга олинган ҳолда касб-ҳунар таълими ҳамда олий таълимнинг узвийлашган дастурлари, ўқув материаллари яратилади. Бу эса таълим олувчи таълимнинг кейинги босқичида касбий билим ва кўникмаларни янада чуқурроқ ўзлаштиришига олиб келади. Касб-ҳунар таълимида узвийликни таъминлаш имкониятларининг асосий жиҳатларини қуйидагича изоҳлаш мумкин (1-расм).



1-расм. Касб-ҳунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш имкониятлари

1. Меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, яъни касб-ҳунар таълимида жорий қилинган тармоқ таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлар орасидаги боғлиқликнинг илмий асосланган мезон ва талабларини ишлаб чиқиш, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш, фанлараро ҳамда фанлар бўйича мавзулараро узвийлик ва изчилликни таъминлаш орқали аниқланади.

2. Таълим жараёнини такомиллаштириш масаласида эса фанни ўқитишда касбий таълимда таълим беришнинг узлуксизлик ва узвийликни таъминлашнинг илмий асосланган талабларини ишлаб чиқиш, турдош фанлар мазмунидан фойдалана билиш ҳамда мавзулараро ўхшаш услуб ва воситаларни қўллаган ҳолда таълим самарадорлигини ошириш, назарий ҳамда амалий машғулотлар, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти орасидаги узлуксизлик ва узвийликни таъминлашнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш ҳамда таълим олувчиларнинг тартиблаган, ўзаро алоқадорлик ва изчилликка асосланган мавзуларни алоҳида қизиқиш билан ўзлаштиришини таъминлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Таълим муассасаларида узвийлашган фан дастурлари қўлланилиши авваломбор ўқув материаллари такрорланишларини бартараф этади, талаба (ўқувчи)ларга бериладиган билим, кўникма ва малакани тизимлаштириб, таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштиришда махсус фанларни ўқитилиш даври бўйича ўзаро мақбул кетма-кетлигига, бакалавриятда ўқитиладиган махсус фан мавзуларининг касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган мос фанлар ўқув дастурларида ўзгаришсиз такрорланмаслигига, ўқув адабиётларида боблар ва бўлимлар (модуллар) орасидаги ўзаро боғлиқликни ўрнатилишига риоя қилиниши тавсия этилади.

Биз томондан олий ва касб-ҳунар таълими тизимида махсус фанлараро ўқув адабиётларининг ўзаро узвийлигини таъминлашда ўқув материалининг ўзаро мантикий кетма-кетликда, оддийдан-мураккабга, хусусийдан умумийликка қараб баён этилишига риоя қилиниши, узвийлашган махсус фан ўқув адабиётларида топшириқлар, машқлар ва лойиҳаларнинг таълим турлари бўйича мураккаблик даражаси ўрнатилиши, олий ва касб-ҳунар таълими узвийлашган махсус фанлар ўқув адабиётлари замонавий педагогик технологиялари асосида яратилиши тавсия этилди.

Таълим мазмунини ташкил этиш илмийлик, фаоллик, тушунарлилик, таълим ва тарбиянинг бирлиги, кўргазмалилик ва мунтазамлилик, узвийлик, изчиллик каби дидактик тамойиллар асосида амалга оширилади.

Узвийлик тамойили орқали ўтилган ўқув материали ёрдамида янги ўтилиши керак бўлган ўқув материали учун асос яратилади. Моҳиятига кўра узвийлик тамойилини уч турга ажратиш мақсадга мувофиқ: тизимли, функционал ва мазмуний узвийлик.

Тизимли узвийлик ўқув муассасалари ўртасидаги умумкасбий ва махсус фанлар таълими бўйича боғланишни тақозо этади. Бунга кўра – ўрта умумтаълим мактаби, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, бакалавриатура,

магистратурада ўқитиладиган фанлар бир-бири билан боғлиқ бўлиши, улар ўртасида узилиш бўлмаслиги лозим.

Функционал узвийлик – фанлар хусусиятларини (маъно, шакл ва қўлланишлари) маълум изчилликда ўргатилишини тақозо этади.

Мазмуний узвийлик таълим мавзуларини бир-бири билан мантиқий боғланишини таъминлайди. Таълим мавзуларини белгилашда, аввало, ўқувчига яқин бўлган, кундалик ҳаётга боғлиқ мавзулар берилади, борган сари ушбу мавзулар кенгайтирилган ҳолда тақдим этилади.

Касб-ҳунар таълимида фанлараро узвийлик таъминланиши ўқитишнинг изчиллик, кетма-кетлик, тизимлилик, яқинлашиш ва истиқболлик каби дидактик тамойиллари билан боғлиқликда ўзининг амалий натижасини кўрсатади деган фикрга келдик. Диссертацияда мазкур тамойилларнинг моҳияти батафсил ёритиб берилди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Касб-ҳунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш мазмуни ва методикаси”** деб номланиб, унда касб-ҳунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлашда ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш мазмуни ва методикаси ёритилган.

Умумкасбий фанлар фундаментал фанлар ҳисобланиб, умумтаълим фанлар негизида ўқитилади ва махсус фанлар йўналишидаги билимларни кенгайтиради, чуқурлаштиради ҳамда махсус фанларни ўргатиш учун асос яратади. Махсус фанларни ўқитиш амалий билим ва ишлаб чиқаришга оид кўникмалар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ўзига хосликни намоён этади. Ўқувчиларни касб-ҳунарга ўргатишда махсус фанлар бутунлигича шу касб хусусиятига мос тушиши, фаолият турлари тўлиқ ёритилиши учун касбий фанни давоми сифатида ўқитилиши ва ундан олинган билим бу учун асос вазифасини бажариши керак.

Таълим-тарбия жараёнининг муваффақияти фақат материаллар мазмунигагина эмас, балки ўқитувчиларнинг дарсда фойдаланадиган методларига, ўқитиш воситаларига ҳамда мавзулараро узвийликнинг таъминланганлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Янги мавзуни ўрганиш жараёнида ўқувчилар ўтган дарс мавзусини такрорлайдилар, ўтилган ва янги мавзуда ўрганганларини таққослаб, улар мазмунидаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлайдилар, натижада улар билимларни таҳлил қилиш ва хулосалар чиқаришга ўрганадилар. Турли шакл ва методлардан биргаликда фойдаланиш ўқувчиларнинг билиш фаолиятини кучайтиради, мустақил фикрлаш қобилиятларини, ташаббускорликларини ривожлантиришга имконият яратади.

Бизнинг фикримизча, фанларнинг ўзаро узвийлигини таъминлаш учун аввало ўқув режасини такомиллаштириш, сўнгра узвийлашган фан дастурлари ишлаб чиқиши керак.

Ўқув режаларининг мазмунан такомиллаштирилиши ва унга қўшимчалар киритилиши ўқув жараёнини ташкил этиш, фанларга ажратилган соатлар ҳажмидан мақсадли ҳамда тўғри фойдаланиш, умумий юкламаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва мониторингини олиб боришда қулайликлар

яратади. Жумладан, биз томондан такомиллаштирилган ўқув режасига куйидаги ўзгартиришлар киритилди:

- амалдаги ўқув режада кўрсатилган хорижий тил, тарих, математика, физика умумтаълим фанларининг ҳажми сақланган ҳолда ўтилиш вақти (семестрлар кесимида) узайтирилди. Бу орқали коллеж битирувчиларининг олий таълим муассасаларига кириш имкониятларини кенгайтириш, таълимда узвийлик ва узлуксизликни, фанлараро алоқадорликни таъминлаш, ўқитувчилар фаолияти самарадорлигини ошириш эътиборга олинди;

- ўқув режасидаги ўқув жараёни жадвалига ўзгартириш киритилди, 120 соатлик “Айрим кийим бўлакларига ишлов бериш” ўқув амалиёти машғулотининг вақти тенг тақсимланиб, 1-курс 1-семестрдан 60 соатлик “Тикувчилик корхона жиҳозлари ва ускуналари” фанидан янги ўқув амалиёти машғулоти киритилди. Бу ўқувчи томонидан тикувчилик бўйича технологик жараёнларни сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида режалаштирилди;

- такомиллаштирилган ўқув режада танлов соатлари учун ажратилган кўшимча соатлар асосан махсус фанларга ажратилиб, мазкур соатларда фақатгина амалий машғулотларни ўтиш режалаштирилди. Ўқувчи касбни пухта эгаллашида амалий кўникмаларнинг муҳимлиги инобатга олинди.


Таклиф этилаётган, мазмунан такомиллаштирилган намунавий ўқув режа касб-хунар коллежларида таълим жараёнини мазмунли ташкил этиш, ҳар бир фан бўйича белгиланган соатлар ҳажмидан мақсадли равишда фойдаланиш ва уларни назорат қилишни, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарлар, курс ишлари ва мустақил ишларга ажратилган соатларнинг бажарилиши ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида фаолликни ошириш имкониятларни яратади. Фан дастурини такомиллаштириш жараёнини “Тикувчилик ишлаб чиқариши” мутахассислиги бўйича “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” фани дастури мисолида кўриб чиқдик.

Демак, ҳар бир фан бўйича дастурларни такомиллаштириш ва уни амалда татбиқ этиш орқали дарс жараёнини сифатли ташкил этиш, бунда умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанларни узвийлиги ва уйғунлигини таъминлаш мақсадида ҳар уччала блокдаги фан дастурларининг мазмуни ва ўқитилиш вақтини қайта кўриб чиқиш натижасида мутахассисликларга йўналтириш билан таълим самарадорлигини янада оширишга эришиш мумкин.

Ўқувчиларга махсус фанлардан амалдаги Давлат ва тармоқ таълим стандартлари доирасида чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларни бериш, ўқитишнинг интерфаол услублари, янги авлод ахборот-коммуникация технологиялари, компьютерлаштирилган дастурларни қўллаган ташкил этиб, чуқур назарий билим ва амалий кўникмалар бериш мақсад қилиб қўйилган.

Махсус фанларни ўқитишда ахборот коммуникация технологиялари (мультимедиа компьютер мажмуаси, проектор, кодоскоп, видеокўзгу)дан, замонавий педагогик технологиялар (аклий ҳужум, кичик гуруҳларга бўлиниб ишлаш, масала ва машқ, кейс-стади, брейн-ринг, иш ўйинлари, видео услуб, лаборатория услуби, бизнес ўйини, муаммони ҳал этиш, индивидуал (амалий) услуб, лойиҳалар услуби, баҳс-мунозара, занжир,

пинборд технологияси, шажара дарахти ва бошқалар)нинг қўлланилиши тавсия этилади. Биз томондан қуйидаги фанлараро узвийликни таъминлаш асосида ўқитиш технологиясининг модели ишлаб чиқилди ва амалда татбиқ этилди (2-расм):



2-расм. Фанлараро узвийликни таъминлаш асосида ўқитиш технологияси модели

Узвийлашган дастур ва ўқув материаллари асосида таълим жараёнини ташкил этишда фанни ўқитиш технологияси муҳим аҳамиятга эга. Дарснинг услуби, дидактик воситалари, услубий таъминотида ҳам фанлараро узвийлик акс этиши, ўқувчилар томонидан мавзуга алоқадор фанлар билан бирга ўрганилаётган фаннинг бошқа мавзулари мазмунига мурожаат этиши дарс режасининг тузилмаси ва ўқув мақсадларини белгилашга боғлиқдир. Бундай боғлиқлик мавзу юзасидан ўқувчилар билимини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, баҳолаш турларини тўғри танлашда ҳам ифодаланади. Биз томондан узвийлик ва изчиллик тамойилларига таяниб, “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” фанига оид оид назарий ва амалий машғулот тузилмалари, дарс ишланмалари ишлаб чиқилди, шулар асосида ўқув жараёни самарали ташкил этилиб, ижобий натижалар олинди.

Фанлараро узвийликка асосланиб ўтиладиган машғулотлар жамоавий ва кичик гуруҳлар шаклида олиб борилиши тавсия этилади. Жамоавий таълим шаклида ўқувчилар гуруҳи орасида рақобат муҳитини шакллантириш, бир-бирининг билимини тўлдириш имкониятлари кенгайди. Машғулот топшириқлари асосан янги мавзу мазмунини очиб берувчи алоқадор фанларда ўзлаштирилган билим ва кўникмалар, мавзулараро узвийликка йўналтирилган бўлади. Кичик гуруҳларда ишлаш махсус билимлар билан бир қаторда амалий кўникмаларни шакллантиришда, шунингдек, ўқувчиларда мустақил ишлаш қобилиятларини ривожлантириш учун қўлланилади. Бир нечта ўқувчилар биргаликда ишлаган пайтда, уларнинг шахсий хусусиятлари ва характерлари орасида ўзаро ҳамкорлик вужудга келади.

Педагог ўқувчиларнинг дарслардаги ва ишлаб чиқариш таълими машғулотида устахоналардаги ишини, уй вазифаларини бажаришини кузатади, уларнинг билими, ёзма ишлари ва ижодий иш сифатида тайёрлаган буюмларини текширади, маслаҳатларда ва дарсдан ташқари вақтларда улар билан ишлайди. Ўқувчининг кучли ва ожиз томонини билиб олишга, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, ҳаёлига хос бўлган хусусиятларни ўрганишга, унинг характери ва иродавий сифатларини яхши билиб олишга ҳаракат қилади, уларнинг ҳаётий ва меҳнат тажрибаларини, коллежга келишдан олдинги фаолияти хусусиятларини ўрганади.

Таълим мақсадларини амалга ошириш бўйича таълим олувчилар билан таълим берувчилар ўртасида бўладиган ҳамкорликдаги мураккаб жараёнда фаол таълим методларини танлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Таълим методлари – ўқитишда белгиланган мақсадга эришиш учун таълим олувчи ва таълим берувчининг ўзаро боғлиқ фаолиятини ташкил этишнинг тартибга солинган усулидир.

Ўқитиш жараёнида ўқувчиларни фаоллаштириш – шуни назарда тутадикки, бунда ўқувчилар билимларни ҳамда уларни амалда қўллаш усулларини онгли ва фаол эгаллаб олади, уларда ижодий ташаббускорлик ва ўқув фаолиятида мустақиллик, тафаккур, нутқ ривожланади.

Таълимнинг фаол усулларини танлаш биринчидан, дарсдан кўзда тутилган ўқув мақсадларига боғлиқ. Масалан, агар дарснинг мақсади янги билимларни эгаллашдан иборат бўлса, ўқитувчи бу билимларни ўзи баён қилади ёки ўқувчиларнинг ўқув адабиётлари ёки бошқа материаллар билан мустақил ишлашини ташкил қилади. Таълим усулларини танлаш ўрганиладиган фаннинг мазмуни ва дарснинг аниқ ўқув материалига боғлиқ бўлади. Бир машғулотнинг ўзида бир нечта фаол усуллар қўлланилиши мумкин.

Ўқув-дидактик воситалар деганда ўқитилиши ва ўрганилиши лозим бўлган билимларни берувчи ҳар қандай ахборот ташувчилар тушунилади. Тадқиқотлар давомида махсус фанлар бўйича ўқув-дидактик материаллар сифатида назарий дарсларда матнли-визуал воситалардан, амалий машғулотларда курс материаллари, услубий қўлланмалар, жадваллар, жиҳоз ёки асбобни ишлатиш бўйича кўрсатма кабилардан фойдаланилди.

Назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш давомида ўқитиш жараёнининг кўзда тутилган кетма-кетлиги ишлаб чиқилди ва режадаги умумий ва ўқув мақсадларига эришиш таъминланди. Ўқув мақсадидан келиб чиқиб таълим шакли, методлари ва воситалари танланди. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини ишлаб чиқишда ҳар бир ўқувчининг шахсий имкониятлари, тушунувчанлик, ўқув материални ўзлаштириш даражаси инобатга олиниб, узвийлиги таъминланган ўқув-услубий материаллар, адабиётлардан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Ўқувчилар бошқа фанлар ва ўқитилаётган фаннинг олдинги билим ва тажрибаларига асосланиб мавзунинг ўрганиш, ўрганган билим ва кўникмаларини бошқа турдош фанларнинг айрим мавзуларини ўзлаштиришда қўллаш давомида ўзининг амалий касбий кўникмаларини ривожлантириб борадилар. Узвийлашган ўқув материалларидан оқилона фойдаланган ҳолда ташкил этилган дарс жараёни ўқувчиларнинг касбга бўлган қизиқишини оширибгина қолмай, уларда мустақил фикрлаш, ижодкорлик қобилиятларини ҳам ривожлантиради.

Машғулотнинг ўқув мақсадларини белгилашда, режалаштиришда ҳамда адабиётларни тавсия этишда, ҳаттоки, дарс ўтиш услуби, воситаларини танлашда ҳам узвийлик тамойилига эътибор берилди. Бундай таълим жараёни ўқувчиларни барча фанларни диққат билан ўзлаштиришига ундаб қолмай, мустақил таҳлил қилиш, билимларни таққослаш, аниқ қарор қабул қилиш ва ҳулосалаш каби қобилиятларини ривожлантиради, мураккаб ва зерикарли туюлган мавзуларни осон, ихчам ва қизиқиш билан ўзлаштиришга имконият яратади.

Учинчи боб **“Узвийлашган ўқув режа ва фан дастурлари асосида махсус фанларни ўқитиш бўйича тажриба-синов ишлари”** деб номланиб, унда педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда тажриба-синов ишлари натижалари ва таҳлили берилган.

Узвийлаштирилган ўқув режа ва фан дастурлари асосида махсус фанларни ўқитиш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида Бухоро вилояти Вобкент маиший хизмат, Жиззах енгил саноат ва Қашқадарё вилояти Шайх-Али маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар орасида сўровнома ўтказилди ҳамда касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини узвийлашган фан дастурлари асосида ўқитиш жараёни махсус фан ўқитувчилари орасида таҳлил қилиниб, уларнинг фикрлари инобатга олинди. Сўровнома натижаларига кўра 82 % умумтаълим, умумкасбий ва махсус фан ўқитувчилари ўқув режа ҳамда фан дастурларини такомиллаштириш лозимлиги ҳақида фикр билдирганлар.

Фанлараро узвийликка асосланган ўқитиш методикаси бўйича тажриба-синов ишлари “Ўқувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фани бўйича ташкил этилди.

Назорат гуруҳларида ўқитиш жараёни амалдаги фан дастурлари асосида амалга оширилган бўлса, тажриба-синов гуруҳларида биз таклиф этган такомиллашган ўқув режа ва узвийлашган фан дастурларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ўқитиш технологияси асосида ўтказилди. Биз


тажриба-синов натижаларининг ҳақиқийлигини таъминлаш учун математик-статистик усулдан фойдаландик.

1-жадвал

Барча касб-ҳунар коллежларида фанлараро узвийликни таъминлаш методикаси асосида ўтказилган тажриба-синов натижалари

Ўзлаштириш кўрсаткичлари		Тажриба гуруҳи N _т =87				Назорат гуруҳи N _н =89			
		“5” баҳо	“4” баҳо	“3” баҳо	“2” баҳо	“5” баҳо	“4” баҳо	“3” баҳо	“2” баҳо
Кўрсаткичларга мос баҳолар сони	Тажриба бошида	13	24	42	8	13	25	41	10
	Тажриба охирида	28	41	18	0	15	24	46	4
Рейтинг баҳолар ўрта арифметик қиймати	Тажриба бошида	X _т [*] = 3,48				X _н [*] = 3,46			
	Тажриба охирида	X _т [*] = 4,11				X _н [*] = 3,56			
Самарадорлик коэффициенти	Тажриба бошида	X _т [*] /X _н [*] =1,01							
	Тажриба охирида	X _т [*] /X _н [*] =1,16							

Умумий ҳолда барча касб-ҳунар коллежларида тажриба бошида олинган натижаларга нисбатан тажриба охирида олинган натижаларнинг самарадорлиги 1,01 баробардан 1,16 баробарга ўсганлигини кўриш мумкин.



3-расм. Барча касб-ҳунар коллежларида тажриба бошида олинган натижаларга нисбатан тажриба охирида олинган натижаларнинг самарадорлиги диаграммаси

Педагогик тажрибадан тўпланган мавжуд маълумотларни назарий жиҳатдан кутилаётган маълумотларга мос келишини баҳолайдиган усуллардан бири – «хи квадрат» (χ^2) мезони ҳисобланади. Ушбу мезон асосида юқоридаги жадваллар натижаларига кўра қўйилган педагогик фаразнинг тўғри эканлигини текширдик.

Демак, хулоса қилиш мумкинки, касб-ҳунар коллежларида ўқув режаларини такомиллаштириш, узвийлашган фан дастурларига асосланган ўқитиш методикаси ва фанлараро узвийлик асосида дарс жараёнини ташкил этиш орқали юқори самарадорликка эришиш мумкин.

ХУЛОСА

Касб-ҳунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш методикаси бўйича олиб борилган илмий изланишлар қуйидаги хулосалар қилиш имконини берди:

1. Таълим жараёнида фанлараро узвийликни таъминлаш тамойиллари ўрганилди ва улар бир тизимга солиниб, умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанларни мазмунан яқинлаштириш имкониятлари очиб берилди. Бугунги кунда касб-ҳунар таълимида босқичлараро, фанлараро ва фан мавзулари мазмунида узвийликни таъминлаш имкониятлари кенг бўлиб, бу борада ўқув режани такомиллаштириш, узвийлашган фан дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга жорий қилиш ўқув мақсадларига кафолатли эришиш учун ўқувчилар ва педагогларнинг ўзаро самарали фаолиятини ташкил этиш мумкинлиги исботланди.

2. Фанлараро узвийликнинг моҳияти ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, бошқа фанлардан ўзлаштирилган билим ва кўникмалардан ўринли фойдаланиб ўқитишни ташкил этиш ва янги мавзуларни олдинги билимларга таянган ҳолда тақдим этишдан иборат эканлиги кўрсатилди. Бунинг учун фанлараро узвийликни таъминлаш асосида ўқитиш технологиясининг модели ишлаб чиқилди ва амалда татбиқ этилди.

3. Фанлараро узвийлик – бу билим олиш мақсадида ўқув-тарбиявий ишлар ва унинг яхлитлиги, тизимлилиги ва аниқ изчиллигига олиб борувчи, таълим сифатини таъминловчи умумдидактик тамойил бўлиб, узлуксиз таълим тизимини яратишнинг муҳим шартларидан бири эканлиги исботланди. Фанлараро узвийлик тамойилига амал қилиб ўқитишда махсус фан ўқитувчиси ва ўқувчининг фаолияти мазмуни ёритилиб, дарс жараёнида ўқув муаммоларни қўйиш жараёнини енгиллаштириш учун амал қилиш зарур бўлган тамойиллар кўрсатилди.

4. Ўтказилган тадқиқотлар асосида замонавий таълимда такомиллаштирилган ўқув режалари ва узвийлашган фан дастурларини қўллаш таълимнинг сифат ва самарадорлигига ижобий таъсир қилиши, таълим олувчининг касбий қобилиятларини ўстириб бориш, мустақил таълим олиш жараёнини ривожлантиришга ёрдам бериши аниқланди. Ўқув режани такомиллаштиришда ишлаб чиқариш корхоналари ва буюртмачилар талабини эътиборга олиш, намунавий фан дастурларида тавсия қилинаётган

адабиётлар рўйхатини ҳам замон талабларига мувофиқлаштириш масаласига эътибор қаратилди.

5. Касб-ҳунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш имкониятлари, тамойилларини ўрганиш билан ўқув жараёнига тизимли ёндашувнинг қўлланиши, ўқув жараёнини аниқ изчилликда лойиҳалаштириш асосида ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини фаоллаштириш, ўқитувчининг қўйилган мақсадга эришувини таъминлаш масалалари ўрганилди, узвийлиги таъминланган фан дастури ишлаб чиқилди ҳамда махсус фанлардан назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш методикаси кўрсатиб ўтилди. “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанини ўқитиш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишлари натижаларига математик-статистик ишлов берилди, узвийлашган фан дастурлари асосида назарий ва амалий дарсларни ўтказиш методикаси қўлланилганда таълимнинг юқори самарадорлигига эришиш мумкинлиги исботланди.

Қуйидаги **тавсиялар** асосида ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш мумкин:

- Биринчи ўқув йилида ўқитиладиган умумкасбий ва махсус фанлар ҳажмини кўпайтириш – бунда баъзи умумтаълим фанларни орқароққа қўйиш ва умумтаълим фанларининг касбий фанларга алоқадорлигини таҳлил қилиш талаб қилинади.

- Иш берувчилар ва турдош корхоналар, таълим муассасаси ўқув-техник базаси ва бошқа имкониятларидан келиб ўқув ёки ишлаб чиқариш амалиётини 1-курсдан ташкил этиш.

- Баъзи умумтаълим фанларини касбий тайёрлов йўналишларга йўналтириш. Мисол учун, математика фани “Тикувчилик ишлаб чиқариши” мутахассислигига ўзига хос равишда, радиотехника йўналишидаги мутахассисликда бошқача ёндашув асосида ўтилиши мумкин. Бундай ўзаро боғлиқликни ўқув режа асосида тузилган дастурларни такомиллаштириш орқали таъминлаш мумкин.

Юқоридаги тавсиялар асосида ҳар бир коллеж қисман фарқланадиган ўқув режаларни коллеж имкониятидан келиб чиққан ҳолда тузиб, самарали ўзгартиришларни тажриба-синов сифатида амалга оширишлари мумкин. Бу борада таълим муассасаси психологи, методисти ва кафедралар, иш берувчилар тавсияларига таяниш лозим. Ўзгартиришлар бўйича қарорлар касб-ҳунар коллежлари ва уларнинг ижтимоий ҳамкорлари – маҳаллий корхоналар, иш берувчилар, олий таълим муассасалари ва касаба уюшмалари билан биргаликда келишилган ҳолда қабул қилиниши керак.

Ўтказилган изланишлар натижасида касб-ҳунар таълимида умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанларни ўқитишда ўқувчиларнинг касбий билим ва кўникмаларини шакллантиришда фанлараро ва мавзулараро узвийликни таъминлаш ижобий натижа бериши асослаб берилди.

Биз касб-ҳунар коллежларида фанлараро узвийликни таъминлаш муаммосини тўлиқ ҳал қилдик демоқчи эмасмиз. Чунки мазкур муаммо – долзарб муаммо бўлиб, уни тадқиқ этишни давом эттириш ва бу йўлда кўп изланишлар олиб бориш ҳамда натижаларга эришиш зарур деб ҳисоблаймиз.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Тўхтаева З.Ш. “Tikuvchilik texnologiyasi” fanidan amaliy mashg’ulotlarni bajarish bo’yicha uslubiy ko’rsatma. – Бухоро: “Техно-тасвир”, 2005. – 64 б.
2. Тўхтаева З.Ш. Узвийлашган фан дастурларини ишлаб чиқиш имкониятлари // Фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини жадаллаштириш муаммолари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро, 2007. – Б. 325-327.
3. Олимов Қ.Т., Тўхтаева З.Ш. Касб-хунар таълимида ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар // Фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини жадаллаштириш муаммолари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро, 2007. – Б. 327-329.
4. Тўхтаева З.Ш. “Standartlash asoslari, metrologiya va mahsulot sifati” kasb-hunar kolleji o’quvchilari uchun o’quv qo’llanma. Ўқув адабиёти грифи гувоҳномаси № 0981. – Тошкент, 2007. – 100 б.
5. Олимов Қ.Т., Узоқова Л.П., Жалолова Д.Ф., Тўхтаева З.Ш. “Yengil sanoat texnologik jihozlari” bakalavriat ta’lim yo’nalishi talabalari uchun elektron o’quv qo’llanma. Ўқув адабиёти грифи гувоҳномаси № 0953. – Тошкент, 2007.
6. Тўхтаева З.Ш. Олий ва касб-хунар таълими тизимида махсус фанлар ўқув адабиётларининг ўзаро узвийлигини таъминлашнинг моҳияти ва аҳамияти // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2007. – № 4. – Б. 102-105.
7. Тўхтаева З.Ш. Касб-хунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2007. – № 3. – Б. 12.
8. Тўхтаева З.Ш. Ишчи ўқув дастурларини ишлаб чиқиш методикаси // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2007. – № 5. – Б. 19.
9. Тўхтаева З.Ш. Жўраев Т.А. Таълим самарадорлигини оширишда хориж тажрибаси // Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2007. – Б. 64-65.
10. Олимов Қ.Т. Тўхтаева З.Ш. Ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш жараёни ва моҳияти // Педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2007. – Б. 142-144.
11. Олимов Қ.Т., Тўхтаева З.Ш. Касб-хунар таълимида ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар // Материалы республиканской научно-технической конференции «ISTIQLOL» (с международным участием). – Москва-Навай, 2007. – С. 475-476.
12. Олимов Қ.Т., Тўхтаева З.Ш. Касб-хунар таълимида узвийликни таъминлаш имкониятлари // Педагогик таълим. – Тошкент, 2008. – № 2. – Б. 78-81.
13. Тўхтаева З.Ш., Абдуллаева М.А. Таълимда ахборот технологияларини қўллашга доир // Академик лицей ва касб-хунар коллежларида

физика ва математика фанларини ўқитишни такомиллаштириш истиқболлари. 5-анъанавий республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2008. – Б. 331-333.

14. Ахмеджанов М.М., Тўхтаева З.Ш. “Дидактик воситалар мажмуаси”. Олий таълимнинг бакалавриат йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма. Ўқув адабиёти грифи гувоҳномаси № 0953. – Тошкент, 2008. – 96 б.

15. Тўхтаева З.Ш., Жалолова Н.А. Ўқув дастурларининг узвийлигини таъминлаш // Касб-ҳунар таълими. – Тошкент, 2009. – № 1. – Б. 21.

16. Тўхтаева З.Ш., Сайитова У.К. Касб-ҳунар коллежларида махсус фанларни ўқитишда “Ишбилармонлик ва ролли (вазиятли) ўйинлар” методини қўллаш // “Таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш” мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. 1-қисм. – Наманган, 2009. – Б. 98-102.

17. Тўхтаева З.Ш., Қодирова Г.М. О’рта maxsus, kasb-hunar ta’limi tizimida ta’lim dasturlari uzviyligini ta’minlashning ahamiyati // Педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замонавий шакллари жорий этиш муаммолари: илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 215-217.

18. Тўхтаева З.Ш., Жўраев Т.А. Кичик мутахассисларни тайёрлашда фанлараро узвийликни таъминлашнинг моҳияти ва тамойиллари // Педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашнинг замонавий шакллари жорий этиш муаммолари: илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 221-222.

19. Тухтаева З.Ш. Совершенствование учебных программ на основе лично- ориентированной технологии и с обеспечением преемственности // «Подготовка инженерно-педагогических кадров для учебных заведений технического и профессионального образования». Материалы международной научно-практической конференции. – Астана, 2010. – С. 221-223.

20. Тўхтаева З.Ш., Жўраев Т.А., Саъдуллаева Д.К. “Ta’limni faollashtirishning vosita va usullari” kasb-hunar kolleji o’qituvchilari uchun uslubiy qo’llanma. – Бухоро: Истеъдод, 2010. – 48 б.

21. Тўхтаева З.Ш., Ашурова З.Р. Ўқув предметларининг алоқадорлиги ва узвийлиги масалалари // Олий ва касб-ҳунар таълими тизими учун замонавий ўқув адабиётларини яратиш ҳамда сифатини баҳолаш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. – Бухоро, 2010. – Б. 93-95.

22. Тўхтаева З.Ш., Анварова Д.М. Узвийлик – таълим жараёни сифатини таъминловчи муҳим омил сифатида // Олий ва касб-ҳунар таълими тизими учун замонавий ўқув адабиётларини яратиш ҳамда сифатини баҳолаш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. – Бухоро, 2010. – Б. 98-100.

23. Тўхтаева З.Ш. Технология обучения специальных дисциплин с обеспечением преемственности в системе профессионального образования // Исследования, результаты. – Казахстан, 2010. – № 9. – С. 124-126.

24. Тўхтаева З.Ш. Касб-хунар коллежларида махсус фанларни узвийлашган фан дастури асосида ўқитиш технологияси // – Бухоро: Истеъдод, 2010. – 75 б.

25. Тўхтаева З.Ш. Таълимда узвийлик тушунчаси ва унинг ўқитиш жараёнидаги аҳамияти // Баркамол авлодни тарбиялаш ва юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг алоқадорлиги: тажриба, муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Жиззах, 2011. – Б. 435-437.

26. Мурадова Ф.Р., Тўхтаева З.Ш., Мурадова З.Р. Ёшлар маънавиятини шакллантиришда оналарнинг тарбиявий вазифаси // “Аёл - маънавият гулшани” мавзуидаги III-Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Жиззах, 2011. – Б. 161-163.

27. Тўхтаева З.Ш., Жумаев Н.Т., Олимов О.О. Ўрта махсус, касб-хунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш масаласи // Озиқ-овқат саноатида илғор технологиялар. Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. II-қисм. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўқув-услубий муаммолар. – Бухоро, 2011. – Б. 110-112.

28. Тўхтаева З.Ш., Соатова Г.Г. Касб-хунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлашга асосланган дарс ишланмасини ишлаб чиқиш технологияси // Озиқ-овқат саноатида илғор технологиялар. Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. II-қисм. “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги ўқув-услубий муаммолар”. – Бухоро, 2011. – Б. 121-123.

29. Рахмонов И.М., Узоқова Л.П., Тўхтаева З.Ш. “Tikuv-trikotaj korxona jihozlari” fanidan uslubiy qo'llanma. – Бухоро: Техно-тасвир, 2011. – 51 б.

30. Тўхтаева З.Ш., Жабборова Д.Г., Ҳакимова Л.Р. Касб-хунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлашда ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш мазмуни // Корхоналарни модернизация қилиш жараёни-ларида инновация, маркетинг-менежмент ва молиявий-иқтисодий механизмлардан фойдаланиш. Илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. – Наманган, 2011. – Б. 407-409.

31. Тухтаева З.Ш. Межпредметные связи и преемственность в профессиональном образовании // Профессиональное образование. – Москва, 2011. – № 9. – С. 43-44.

32. Афзалова Ф.А., Тўхтаева З.Ш., Жумаев Н.Т. Касб-хунар коллежларида махсус фанларни ўқитиш жараёнини такомиллаштириш // Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш жараёни мазмуни, ўқитиш воситалари ва шакллари-нинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 1-том. – Тошкент, 2011. – Б. 75-77.

33. Тўхтаева З.Ш., Бобоев А.Т., Ҳикматов Р.И. Олий ва касб-хунар таълими тизимида ўқув адабиётларини ўзаро узвийлигини таъминлаш // Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш жараёни мазмуни, ўқитиш воситалари ва шакллари-нинг назарий-услубий асосларини такомил-

лаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2-том. – Тошкент, 2011. – Б. 139-140.

34. Тўхтаева З.Ш., Олимов О.О. Касб-хунар таълимида ўқувчилар билимини баҳолаш усуллари // Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида кадрлар тайёрлаш жараёни мазмуни, ўқитиш воситалари ва шакллари нинг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. 2-том. – Тошкент, 2011. – Б.141-143.

35. Ахмеджанов М.М., Тухтаева З.Ш. Планирование осуществления межпредметной связи и преемственности // Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2011. – № 6. – Б. 29-32.

36. Тўхтаева З.Ш., Амонов Ғ.Ш., Бобоев А.Т. Касб-хунар таълимида узвийлик тушунчаси ва унинг ўқитиш жараёнидаги аҳамияти // Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш: ютуқ ва муаммолар: Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. 1-қисм. – Тошкент, 2012. – Б.107.

37. Жўраев Т.А., Жалолова Н.А., Тўхтаева З.Ш. Дарс – педагогик фаолиятнинг негизи сифатида // Ўзбекистон Республикасида таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш: ютуқ ва муаммолар: Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. 2-қисм. – Тошкент, 2012. – Б. 133-144.

Педагогика фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Тўхтаева Зебо Шарифовнанинг 13.00.08 – Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси ихтисослиги бўйича “Касб-хунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш методикаси (“Тикувчилик ишлаб чиқариши” мутахассислиги мисолида)” мавзусидаги номзодлик диссертациясининг

РЕЗЮМЕ СИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: касб-хунар таълими, фанлараро узвийлик, изчиллик, алоқадорлик, такомиллашган ўқув режа, фан дастури, узвийлик тамойиллари, фаол ўқитиш методлари, тамойил.

Тадқиқот объектлари: касб-хунар коллежларида узвийлашган фан дастурлари асосида “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанини ўқитиш жараёни.

Ишнинг мақсади: касб-хунар таълимида “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанидан фанлараро узвийликни таъминлаш методикасини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этишдан иборат.

Тадқиқот методлари: илмий тадқиқот, илмий-педагогик адабиётлар ва меъёрий ҳужжатлар таҳлили, ўқув жараёнини кузатиш, суҳбат, сўровнома, тестлар ўтказиш, рейтинг, мониторинг, педагогик тажриба-синов натижалари математик-статистик таҳлили, тадқиқот натижаларини умумлаштириш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: касб-хунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш имкониятлари аниқланди; касб-хунар таълимида фанлараро узвийликни таъминлаш тамойиллари таҳлил қилиниб, илмий-методик тавсиялар берилди; фанлараро узвийликни таъминлаган ҳолда ўқув режа ва фан дастури такомиллаштирилиб, “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанидан узвийлиги таъминланган фан дастури ишлаб чиқилди; узвийлиги таъминланган фан дастури асосида “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанини ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди; “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” фанидан узвийлиги таъминланган фан дастури асосида ўқитиш бўйича дарс ишланмалари ишлаб чиқилиб, таълим жараёнига татбиқ этилди.

Амалий аҳамияти: касб-хунар коллежлари учун “Стандартлаш асослари, метрология ва маҳсулот сифати” ўқув қўлланмаси, олий таълимнинг бакалавр йўналиши учун ҳаммуаллифликда “Дидактик воситалар мажмуаси” ўқув қўлланмаси, касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун “Тикувчилик ишлаб чиқариш технологияси” махсус фанидан узвийлашган фан дастури, фанлараро узвийликка асосланган топшириқлар ҳамда саволлар мажмуаси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертациядаги назарий ғоялар касб-хунар коллежларида махсус фанларни ўқитишда, касб таълими бўйича бакалавриятни битирувчи талабаларнинг 5 та битирув малакавий ишларида татбиқ этилди.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, илмий тадқиқот ва ЎМКХТТХМО ва ҚТ институти.

РЕЗЮМЕ

диссертации Тухтаевой Зебо Шарифовны на тему: «Методика обеспечения межпредметной преемственности в профессиональном образовании (на примере специальности «Швейное производство»)» на соискание учёной степени кандидата педагогических наук по специальности 13.00.08. – Теория и методика профессионального образования

Ключевые слова: профессиональное образование, межпредметная преемственность, последовательность, взаимосвязь, учебный план, программа предмета, принципы преемственности, активные методы обучения, принцип.

Объекты исследования: процесс обучения учащихся профессиональных колледжей на основе преемственной программы предмета по специальной дисциплине «Технология швейного производства».

Цель работы: разработать и реализовать методику обеспечения преемственности по специальному предмету «Технология швейного производства» в профессиональном образовании.

Методы исследования: анализ научно-исследовательских, научно-педагогических литератур и нормативных документов, наблюдение учебного процесса, беседа, опрос, проведение тестов, рейтинг, мониторинг, математически – статистические анализы результатов педагогического эксперимента, обобщение результатов.

Полученные результаты и их новизна: определены возможности обеспечения межпредметной преемственности в профессиональном образовании; проанализированы принципы и разработаны учебно-методические предложения обеспечения межпредметной преемственности в профессиональном образовании; совершенствованы учебный план и предметная программа обеспечивая межпредметную преемственность, разработана предметная программа по специальному предмету «Технология швейного производства» обеспечивая преемственность; разработана методика преподавания специального предмета «Технология швейного производства» на основе предметной программы обеспеченной преемственностью; разработаны и реализованы разработка уроков на основе предметной программы обеспеченной преемственностью.

Практическая значимость: учебное пособие для профессиональных колледжей «Основы стандартизации, метрология и качества продукции», учебное пособие в соавторстве «Сборник дидактических материалов» для бакалаврического направления высшего образования, преемствованная программа предмета для учащихся профессиональных колледжей по специальному предмету «Технология швейного производства», разработан и применяется на практике сборник вопросов и заданий основанных на межпредметной преемственности.

Степень внедрения и экономическая эффективность: теоретические идеи диссертации внедрены при изучении специальных предметов в профессиональных колледжах и применены в дипломных работах пяти студентов выпускников бакалавров.

Область применения: высшие и средние специальные профессиональные образовательные учреждения, научно-исследовательские институты, институт ПКиПКССПО.

RESUME

Thesis of Zebo Sharifovna Tukhtayeva on the scientific degree competition of the sciences philosophy in pedagogy on speciality 13.00.08 - Theory and methods of vocational education subject: "Pedagogical basis of securing the continuity in teaching subjects in professional colleges"

Key words: professional education, inter- subject communication, continuity, educational program, principles of continuity, active methods of teaching, principle.

Subject of research: the process of teaching the special subject "Technology of sewing production" on the basis of continuity education program at professional colleges.

Purpose of work: elaboration and practical inculcation of developed education program and continuity subject program to develop effect of education on the basis of securing inter subject continuity in professional education.

Methods of research: studying the philosophical, psychological, pedagogical and methodical literature, analysis of normative documentation and advanced pedagogical experience, conversation, interrogation, testing, the methods of expert marking pedagogical experiment, mathematical statistic methods.

The results obtained and their novelty: the typical features of developing and continuing the normative documents of specialized secondary and vocational education are defined; continuity teaching methods of educational, professional and special subjects are defined, their practicality have been proved; securing inter-subject continuity is practically proved as a method of activating the students of vocational college in all subjects; the purport and methodology of forming theory and practice of studies based on the principles of continuity on a special subject "The technology of sewing production" have been worked out; the structure and treatments of the lessons have been worked out and put into practice

Practical value: teaching aids for vocational colleges "Standardize principles and production quality", the textbook bachelors for High education "Collection of didactic aids" the collection of exercises and questions based on inter-subject continuity, education program on the special subject "Technology of sewing production" for vocational students are elaborated and inculcated in the educational process.

Degree of embed and economic affectivity: the theoretical idea of dissertation is used in teaching special subjects in vocational colleges, reflected in the 5 final qualification works of Bachelors graduates. Electron textbooks, methodic recommendations due to contemporary education demands on special subjects for teachers and students are created and put into practice in the education process.

Field of application: Higher and Vocational Colleges, Scientific-research institutions, institutes and centres of retraining and raising the level of specialists' skills of higher and specialized secondary vocational education.